

ПАХТА БАЙРАМИ МУБОРАК!



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 232 (3204).

Шанба, 27 ноябрь 1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ОЛТИН ТҮЙ

Сахий, гўзал кузимишнинг бутунги тоғи ҳар бир хонадонга ўзгача чирой, ўзгача лаптофат, ўзгача қувонч келтирди. Дилларда гурур, қалбларда сурур, ўзгача жилло билан ўйнади. Минглаб, милдонлаб меҳрабларда ўзгача табассум жилади. Зўки отахонларимиз, кўроғий онахонларимиз, девқомат акаларимиз, хурилиқ синглиларимиз бошқача исан-тусан қилишиб, кўчаларга чиқибди. Дилрабо куйлар, шўх кўшиқлар эрта нахорданок хурсандчиликка, дилнавозликка чорлади.

Бу катта таътананинг бонси бор: бугун элнимизда ҳам, дилимизда ҳам, шаҳарларимизда ҳам, қишлоқларимизда ҳам улкан тўй, баъз. Бугун умум-халқ шодияси — пахта байрами! Бугун ва эрта азамат, азияткор деҳқонларимиз билан биргаликда серкуш республикамизнинг барча меҳнаткашлари пахтакорларнинг олтин тўйини қувона-қувона нишонлайдилар.

Пахта байрами! Ўз номи билан, ўз нишони билан пахта байрами! Пахтаимиз — бахтиимиз. Пахтаимиз — шону-шухратимиз. Пахтаимиз — миллий ифтихоримиз. Пахтаимиз — фаровонлигимиз, ризқу-руҳимиз. Пахта демак — муазас Ўзбекистон демак, пахта демак — Ўзбек халқи демакдир. Шу-учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ҳар йили «Пахта байрами»ни традицион байрам сифатида нишонлашга қарор қилдилар.

Бу йилги «Пахта байрами» халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришган, меҳнаткашларимизнинг меҳнат ва сийсий активлиги мисли қўрилмаган даражада ошган, барча ютуқларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, давримизнинг ақл-дрокки, шон-шарафи ва виждони бўлган азиз Коммунистик партиямизга меҳр-муҳаббатимиз янада тўлиб-тошган бир вазиятда байрам қилинмоқда.

Саноatchиларимиз улкан меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Улар жоножон партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларидан рўйдонда, етти йиллик плани муддатидан олдин бажардилар. Ҳозир янги беш йиллик ҳисобига маҳсулот етказиб бермоқдалар. Ишлаб чиқарш жараёналарини тақомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таъинорҳини кайиштириш бўйича изланиш ва ижод ишларини қизғин давом эттирмоқдалар.

Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари ҳам гўшт улкан зафарларга эришдилар. Деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларига оғинайи амал қилдилар. Партиямиз XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа байроғини ба-лаид кўтардилар. Натияда пахтачилик тарихида мисли қўрилмаган самарага эришдилар.

Она-Ватанга республикамиз бўйича 3 миллион 875 минг тоннадан зиёд, области-миз бўйича эса 350 минг тоннадан ортиқ қимматли хомаше — «оқ олтин» армуғон етилди.

Ҳа, тарихда мисли қўрилмаган галаба бизники бўлди. Ўтмишда омон бўйингуруқ билан қийналган, қўш ҳўкиз кетиде эзилган деҳқон тасаввур ҳам етмас эди бу рақамларини. Ҳосилини қадақлаб ўлчаган, сунвис, ориқ ерга термулган деҳқон табият саховатидангина умидвор эди.

Бугунги деҳқонни қиёс қилиб кўринг. Далаларимизда турли-туман тракторлардан тортиб тўрт, саккиз қаторли пахта териш машиналаригача жавлон урипти. Деҳқончилик маданияти йилдан-йилга ортиб бормоқда, қишлоқларимизнинг фаровонлиги ахишланмоқда.

Чинозинг доғдир қизи Тур-суной Охунова, бекободлик қаҳрамон Абдулшоҳ Усмонов, оққўрғонлик Ридван Чки, оржоникидзелик Беркин Тошметов, бўкалик Мурод Қўрбонов, ўртачириқлик Умир Ҳасановларини ким танимайди дейсиз. Шулар ва шулар қабиладир асл пахтакор, меҳнатсевар деҳқонларимиз.

Пахтаимизнинг ҳосилдорлигини айтинг: ҳар гектар ердан 30—40, ҳатто 50 центнер, ёхуд ундан ҳам ошди. Бу мўъ-жиза-ку! Деҳқоннинг жонига оро кириб, мушкулни осон қилиб, тарадиган пахтасини машиналар теряпти.

Тўғри! Бизнинг замонамиз мўъжизалар яратилаётган замонадир. Улғў Ленин даҳоси билан, доно Коммунистик партиямиз раҳнаомлигида, энёкор Октябрь революциясининг муруввати билан шундай ажойиб қушларга етишдик. Қўп-миллатли совет халқининг бир-бирига оқибати зўрлигидан, қалби туташлигидан шундай қушларга етишдик. Ишчиларимиз, деҳқонларимиз ва зиёлиларимизнинг бир-бирига тан-лиқлигидан, бир-бирига пароналигидан, гўят иқлоқлигидан, бир бўлиб ишни бошқарилигидан шундай қушларга етишдик. Ниҳоят мақсадимизнинг якка-гўноалигидан, бир сафда туриб коммунизм идеалларига хизмат қилаётганлигидан шундай қушларга етишдик.

Бахтиёр деҳқонларимиз бугун ўз ёру-биродарлари даврасида байрамларини хушнудлик билан ўтказмоқдалар. Барча байрамларимиз сингари бу байрамимиз ҳам гўяда танта-на билан, назокат билан, дазокат билан ўтказилмоқда. Меҳнаткашларимиз бугун эришилган муваффақиятлар янги, янада муҳим вазифаларни ҳал қилишда ишончли пойдевор бўлади димоқдалар. Ватан олдидаги муқаддас бурчимизни тушунамиз, коммунизмнинг мод-зий-техника базасини яратингда янада кўпроқ, баракали ҳисса қўшамиз димоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан

нистрлар Советининг қуни кеча барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ ҳўжалик ва сув ҳўжалиги мутахассисларига, шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларига, студентлар ва ўқувчиларга, республиканинг барча меҳнаткашларига Мурोजаати эълон қилинди.

Маъкур Мурोजаатда партия ва ҳукуматимиз деҳқонларни қолган ҳосилини нес-нобуд қилмасдан тезда йиниб олишга, шудгорлашни қисқа муддатларда туталашга, минерал ва органик ўғитларни керагича далага ташиб қўйишга, сугориш шохобчаларини намунали тозалашга, сифатли руғ ҳўзирлашга, техникани келгуси йил ишларига ҳозирданок тахт қилиб қўйишга ҳақирлади. «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети деҳқонларни, республиканинг барча меҳнаткашларини пахтакорларнинг умумхалқ шодияси — «Пахта байрами» билан чин кўнглидан қизғин табриқлайдилар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўз олдидарида турган вазифаларни шараф билан бажарадилар, совет халқи севиқли Ватанимизнинг шон-шўхратини ошириш ва кудратини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашга республикамиз қўшадиган ҳисса бундан бўён ҳам ошиб бориши учун барча зарур чораларни қўрадилар» деб ишонч билдирилади Мурोजаатда.

Республикамиз меҳнаткашлари олдида масъулиятли ва муҳим вазифалар турибди. Бу вазифалар бизларни янги галабаларни қўлга киритишга чорлайди. Пахта байрами меҳнат кўтаришчилигини, келгуси галабаларга пухта замин яратиш пнори остида ўтиши керак.

Ҳар йили муваффақиятлар қозонаверайлик, зафарларимизга зафарлар қўшилaversиз. Шундагина дилимиз равшан, юзимиз ёруғ бўлади. Шундагина тўйларимизга-тўйлар, кўйларимизга-қўйлар, таътаналаримизга таътаналар қўшилaversиди. Партиямизнинг бўлажак XXIII съездини муносиб кўтиб олиш учун собит қадамлар билан олға бораверайлик.

Пахта байрамимизга му-борак бўлсин, азиз дўстлар!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳадижа Сулаймонова Сулаймонованинг узоқ давом этган оғир касал-лиқдан сўнг шу йил 26 ноябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМ. ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Областимизнинг илғор пахтакор ва механизаторлари: (чадан) Бўка районидagi Охунбобоев номли колхознинг механик Ҳайдовчиси М. Мирзоинова, Ўрта Чирчиқ районидagi «Коммунизм» колхозининг чевар териячиси Ж. Сўтибоева, шу райондagi Терешкова номли колхознинг ака-ука механизаторлари (чапда) Ҳакимполлов ва Оббос Саидғозиев, паства Катинин районидagi Фрунзе номли колхознинг механик Ҳайдовчиси Т. Қидиров ўртоқлар.

МЕХНАТ ЗАФАРЛАРИ

ОҚҚҮРҒОН МАЖБҮРИЯТНИ БАЖАРДИ

Бугун Оққўрғон районининг қишлоқларида ҳам шодияна. Улар ўзларининг меҳнат натижаларини кўриб туришибди. Азамат деҳқонлар пахтакорларнинг байрами яна бир катта галаба билан кўтиб олдилар. Улар давлатга қўшимча равишда пахта топи-рини қосидан олган социалистик мажбуриятларини байрам ара-фасида шараф билан бажарди-лар. Район меҳнаткашлари дав-

лат омборларига 60 минг тонна уринга 70 минг тоннадан ортиқ пахта тўкиб, пландан ташқари 10 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотдилар.

Баранали хирмон кўтаришда райондagi Ҳамид Олимжон ном-ли, «Озод» колхозлари, «Ўзбеки-стон ССР беш йиллиги», 2-«Оққўр-ғон», «Коммунизм» совхозлари айниқса муносиб ҳисса қўши-лар.

Пахтачиликда қосмлек механизациялашнинг нег бўлга кўйган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг аламат деҳқонлари савнам 12 минг тонна «оқ ол-тин» етказиб бердилар. Совхоз-ларда ва колхозларда гентар бо-лишга етиштирилган ҳосил ҳам нессин равишда кўтарилиди.

СОВҒА

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга оши-риш учун курашган Оққўрғон районидаги Қиров номли кол-хоз аъзолари пахта байрами арафасида катта галабани қўл-га киритдилар. Деҳқонлар 1339 тонна «оқ олтин» сотиб планини анча ошириб бажарди-лар. Шуниси қувончлики, топ-

«ПАХТА БАЙРАМИ» — М. Рейх ва Д. Синицкий чизган плакат («Ўзбекистон» нашриёти).

СЕВИНЧЛАР

Зафар ишқи ила тўла юраклар ҳаяжонда. Тўкин қўзининг бу дамлари бунчалар ҳам дилрабо. Карнайларнинг ишқ садоиси янгради эрта тондан, Чилдирмалар гўжбангичи олиб келади сабо! Бугун байрам! Бугун дала соҳиблари байрами, Оташ юрак элим чўмчиш яна қувонч нахрига. Бугун байрам! Дунёга донг ёлган республикамизни Хирмонлари бош тирамиш нах бўлутлар барига! Бугун байрам. Вазодасига содиқ, мард ва баҳодир Саодати қундай қулган фидокорлар байрами. Пахтаи-ла жаҳонни ҳам кийинтиришга қодир Заҳматкашлар-заҳматқаш пахтакорлар байрами! Бунедкорлар бунедкори деса арзир деҳқонни Тўрт фасл ҳам «пахтаи» дех боғлаб турар белини. Қасам янглиғ муқоддасдир унинг аҳду паймони. Қасам писанд қилар ва на қўёш сеили! Вазодасига ўриклатган асли гўлиб элимсан, Кўнгиладги орзуларинг мўдом топиши ижобат. Жаҳонни ҳам сийдиргудек чашимай пок дилимдан Шу байрамлар севинчлари аримасин тоқ абад!

Охунжон ҲАКИМОВ.

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область икрония комитети экин май-донларини шудгорлаш юзаси-дан районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида олиб бори-лаётган социалистик мусобақа-нинг ноябрь ойи бешинчи беш кунлиги якунларини кўриб чи-киб. ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Тошкент область партия ко-митети ва область икрония ко-митетининг кўчма Қизил бай-роғи Ўрта Чирчиқ райониди (район партия комитетининг секретари Мираҳмедов, район икрония комитетининг раиси Назаров, район қишлоқ ҳўжа-лиги бошқармасининг бошлиги Ортиқхўжаев, район комсомол комитетининг секретари Мута-лов, «Узсельхозтехника» райо-ни билимлашнинг бошқарувчиси Мелик-Караман ўртоқлари) қол-дирилсин. Бу район нейинги беш кунлигида шудгорлашда 20,90 процент ўсшига эришган ва йиллик планини 75,50 про-цент адо этган.

Кузги шудгорлашда Янгийў-ла ва Юқори Чирчиқ районлари-даги колхоз ва совхозларнинг яхши ишлаганликлари қайд қилинсин.

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласть комитети ва область ик-рония комитетининг кўчма Қи-зил байроғи Оққўрғон райони-даги «Ўзбекистон ССР беш

йиллиги» совхозиди (директори Маҳсунов, партия ташкилот-ининг секретари Пак, ишчилар комитетининг раиси Алиев, бош агрономи Бақули, бош инженери Ҳайдаров ўртоқла-ри) қолдирилсин. Совхозда сўнги беш кун ичиди 24,70 процент мидоридида ер ҳайдалган ва бу соҳадаги йиллик план 97,20 процент бажарилган.

Ер ҳайдашда «Бўка» совхо-зи ва «Халқобод» комбинати-нинг яхши ишлаганлиги қайд қилинсин.

Область партия комитети ва область икрония комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номли колхозга (раиси Рўзи-матов, партия ташкилотининг секретари Холтурсунов, бош агрономи Рамис Уринбосари Тий ўртоқлари) берилсин. Бу колхозда нейинги беш кунли-да шудгорлаш ишларида 29,40 процент ўсшига эришилган ва ер ҳайдаш плани 92,80 процент адо этилган. Байроқ Оққўрғон районидagi Ҳамид Олимжон номли колхоздан олиб берил-ди.

Оржоникидзе районидаги «Октябрь», Оққўрғон райони-даги «Ленинбод» колхозлари-нинг шудгорлашда яхши ишла-ётганликлари таъкидлансин.

Оржоникидзе районидаги «Октябрь», Оққўрғон райони-даги «Ленинбод» колхозлари-нинг шудгорлашда яхши ишла-ётганликлари таъкидлансин.

Совхоз чорвадорларининг фи-доророна меҳнати тўғрисида шундай сўз қилишда беги-лангандаги 3560 центнер ўринга 3610 центнер семё гўшт етказ-иб берилди. План 103 процент бажарилди. Сўт топширишини кўпайтиришда ҳам бу йил-ги масумда яхши муваф-фақиятларга эришилди. Со-ғини сийгирлардан ҳозиргача план-даги 6300 центнер ўринга 6323 центнер сирмой сўт соғиб оли-ди. Илғор сўт соғувчилардан Рашид Саюлов, Омон Сайме-това ва Тоқинур Агрономовлар меҳнатда айниқса, самарали кўр-саткичларни қўлга киритдилар. Уларнинг ҳар бирилар ҳозир-гача ўз боқимлариди сийгирлар-ни 29—32,5 тонна сўт соғиб ол-дилар. Улар йил ахиргача яна 4 тоннадан сўт соғиб топшириш-га аҳд қилишди.

Совхоз чорвадорларининг бу меҳнат зафари тўйга муносиб тўнади.

УЎЖАМИЗДА МЕХНАТ ТАРОНАСИ

КАТТА ОДИМ

Бугун деҳқонларнинг катта тўйи. Бу тўйга ҳар ким ўз тўёси, ҳаёси билан келади. Илгори ва пешақдам хўжаликлар бу йил яна илгарилаб янги марраларни эгалладилар. Ўл қатори пахта фронтда иш олиб бораётган деҳқонларнинг ҳаёти ва ҳўжаликнинг қаддини ростлаш, қолоқликдан чиқиш, ҳосилдорликни ошириш йўлида дастлабки галабаларга эришдилар.

Бироқ илгори хўжаликлар ҳар гектар ердан 30—35 центнердан ҳосил олаётган ҳозирги пайтда биз 22 центнердан ҳосил кўтардик деб айтишга тилимиз ювувмайди. Аммо хўжалигимизда 1963 йили ҳосилдорлик 13 центнерга пасайиб кетганини назарга олганда гектардан етиштирилган ҳосил 22 центнерданга етказилганлиги қувончли ҳолдир. Чунки мана шунинг ўзи колхозчиларимизнинг руҳини низоғда кўтариб юборди. Уларда: «Биз ҳам юқори ҳосил етиштиришга қодирмиз, бундай иш бизнинг ҳам қўлимиздан келади» деган катта ишончини мустаҳкамлади. Бизнинг колхоз аъзолари пахта байрамга мана шундай эур уюм ва ишов билан етиб келдилар.

Кейинги йилларда колхозимизда ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига аввало техникадан фойдаланиш даражаси низоғда пастлиги сабаб бўлган эди, деса бўлади. Чунки ерлар сифатиси, жуда са- сиз шудгор қилинганлиги учун гўзалари ўт босиб кетарди. Ўт ичда қолган ўсимлик эркин ривожлан- мас, кўчат сийраклашиб қолган тўфайли мўлжал- даги ҳосилни олиб бўлмас эди. Айниқса 1, 6- ва 7- бригадаларга қарашли ерлар гўза парвариши вақ-

тида ўт босиб кетганидан ҳаммаи шошириб қўяр- ди. Шу сабабдан ўтган йили жумладан 6-бригада- даги ерлардан арағт ҳар гектардан 15 центнердан ҳосил олинган.

Колхоз правлениси ва партия ташкилоти бу ахвол билан ушқоқа бориб бўлмаслигини ҳисобга олиб, энг оғир участкаларга ишда синалган киши- ларни, коммунистларни бригада ва звено бошлиғи қилиб тайинлади. Жумладан, колхознинг соёқ бош бухгалтери, агроном Умбат Бекбоев, ҳосилот советининг раиси бўлиб келган Абдуғани Ҳайдаров, уста пахтакор Қўшмироа Парпиев сингари ўртоқ- лар бригада бошлиғи қилиб тайинланди. Колхоз- даги 12 бригаданинг 11 тасига, 26 звенонинг 11 тасига коммунистлар бошчилиги қила бошлад.

Одатда кузги шудгорга етарли эътибор берил- маганидан ер 18—20 сантиметр чуқурликдан ор- тик шудгор қилинмасди. Ўтган йили бундай ахвол- га йўл қўйилмади. Бригада ва звено бошлиқлари шудгор сифати учун астойдил курашдилар. Айниқ- са, серўт ерлар С-80 маркали кучли ҳайдов тра- тор билан 35 сантиметр чуқурликда шудгор қи- ллинди. Бу йил колхозимизда пахта тайёрлаш пла- нини 138 процент қилиб бажаришимиз, 1150 гектар ердан 1735 ўринга 2420 тонна пахта ети- штира олишимизнинг дастлабки омили мана шу сифатли шудгор бўлди.

1-Бригада жойлашган ерлардан ҳатто 7 центнер ҳосил олинган йиллар ҳам кўп бўлган. Энди соёқ бош бухгалтер Умбат Бекбоев раҳбарлик қилаётган бу бригадда бу йил катта силкиш рўй берди. Бри- гада аъзолари шудгорлаш пайтида ҳам, гўза пар-

вариши ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида ҳам тех- никадан унумли фойдаланишга эришдилар. Нати- жадан 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтардилар. Турди Тулабоев, Ашур Кенжаев, Ўсган Ўринбоев сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳар гектар ердан кўтарилган ҳосил 25—30 центнерга етди. Бундай қувончли натижаларга механизаторлар пахтачилик ишига бевосита раҳбарлик қила бошлаганликлари, техни- кадан фойдаланиш учун кенг йўл очилганлиги ту- файли эришди. Айниқса пахта териш машина- ларидан бу йил анча яхши фойдаланилди. Агар ўтган йили колхозимизда 600 тонна пахта машина билан терилган бўлса, бу йил 850 тонна терилди. Илгори звено бошлиқларидан Ашур Кенжаев, Тоғиб Эгамзаев, Султон Эсамбоев сингари ўртоқлар мавсумда 55—60 тоннадан пахта тердилар. 1-ва 6-бригадада етиштирилган ҳосилнинг 40—45 проценти машина билан териб олинди.

Бу йил ишимизда каттагина силкиш рўй бери- шнинг энг муҳим омилларидан бири КПСС Мар- казӣ Комитетининг март Пленуми қарорларига амал қилиб барча звенолар иш хўжалик ҳисобига кўчирилганлиги, моддий рағбатлантириш тадби- рлари амалга оширила бошланганлиги бўлди.

Ўтган йили колхозимиз 1 миллион 23 минг 272 сўм даромад қилган, пахтачиликдан олинган даро- мад 904.169 сўмга етган эди. Бу йил эса 1 мил- лион 155 минг 273 сўмга етди. Пахтанинг ўзидан олинган даромаднинг 1 миллион 250 минг сўмдан кўпроқ бўлди. Пахта юқори навларга топирили- ганлиги учун 105 минг сўм қўшимча даромад ол- дик. Шундай қилиб, колхозимизда техникадан унум- ли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошира олганими- з учун хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳ- камланиб борапти. Колхозчиларимизнинг, шу жум- ладан механизаторларимизнинг иш ҳақлари йил-

дан-йилга сезиларли даражада ошиб борапти. Бу- нинг учун биргина мисолни кўрсатиб ўтиш kifойа. Ўтган йили бир иш кўнига ўрта ҳисобда 3 сўм 55 тийин тўланган эди. Бу йил 4 сўмдан тақсимла- ниш мўлжалланимиз. Механизаторларнинг ойига бундан ҳам ошди. Масалан, звено бошлиқларидан Турди Тулабоевнинг бир ойлик иш ҳақи ўтган йили ўрта ҳисобда 110 сўмга тўғри келган эди. Бу йил эса 170 сўмга етди.

Эндилда техникадан унумли фойдаланилса, ҳосилдорлик кўтарилса, колхозчиларнинг ҳам ой- лиғи ошиб боришини ҳамма равшан тушуна бош- лади. Шунинг учун одамларимиз техникани жуда қадрлайдиган, она-ерининг қадрига етадиган бўлиб бормондилар. Худди мана шунинг ўзи ҳозирги за- мон деҳқончилигида жуда катта ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлаяпти.

Хўжалигимизда ҳозир 13 та ҳайдов, 28 та чопиқ трактори, 28 та пахта териш машиниси ва жуда кўп қишлоқ хўжалик техника воситалари бор. Ле- шин техника сақланадиган ной талабга жавоб бе- рарли даражада эмас. Деҳқонларнинг чинакам йўлдоши, мададкори бўлган техникани кўза қорчи- гидай асрашга ҳамма астойдил иштирокчи. Шу- нинг учун биз янги трактор парки қўришга тайёр- лик кўраймиз.

Пахта байрамини колхозимиз механизаторлари кузги шудгорни тамомлаш билан қўтиб олмоқда- лар. Улар 1250 гектар ерни 30—35 сантиметр чу- қурликда ҳайдаш ишга киришадилар. Шудгор ол- диндан ерга 470 тонна суперфосфат солдилар.

Пахтакор ўртоқлар, байрамнинг муборак бўл- си! Янаги йилнинг ҳам бу йилгидек кўтлуг ва самарали бўлсин!

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ,

Оққўрғон районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг раиси.

ПАХТАЗОР ЁР-ЁРИ

Юракдаги боримни
Солсам араир торимга,
Қўшиғимдан гул қилиб
Совға тутай ёримга.

Еримнинг қамолига
Ой янглиғ жамолига.
Мунтазирман ҳаммаша
Висолу саломига.

Қўзларим мисли ёнуг
Қўнглимни хўшнуд эттиб,
Тўйимни кутар бугун
Билсанг ёрим, элу-юрт.

Пахтазор водилардан
Ер-ёр айтиб ёр келар.
Хонамга файз олиб,
Қўзларни хумор келар.

Маннон ҒАНИ.

БАЙРАМ МУБОРАК

Республикамиз пахтакорлари бу йил улкан галабани қўлга киритдилар. Мамлакатда 3 мил- лион 875 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу катта жи- ромда пахтакорлар қатори иш- чилар, инженер-техник қодим- ларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Корхонамиз меҳнатсаворлари пахта чамандек очилган кезларда «оқ олтин» иришюрларига ёр- дамга олганиб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб беришга деҳқонларга яқиндан ёрдам кўр- сатдилар. Ушлаб тонна пахта ма- шинасозлар қўли билан терилди. ХТ-1,2 машиналаримиз ҳам деҳ- қонлар юқини енгиллаштирди. Бу билан фахрланамиз.

Ҳозирги кунги ишчилар яна ўз- станокларни ёнида, Улар КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат қилмоқда. Яқинда корхонамизда- ги 10-цех коллективни катта за- фар кучдан. Йиллик планини му- датидан олдин шараф билан адо- этганликлари ҳақида галаба ра- порти берилди. Пахтакорлар би- лан бир қаторда биз ҳам бу эри- шилган галабадан хурсандимиз.

Т. МУРАТОВ,
«Ташсөл» маш» авводи иш- чиси.

Пахта байрами традицияга ай- ланиб қолмоқда. Йил давомида қилинган имодий меҳнатдан сўнг ҳосил байрамни ўтказиш наҳа- дар гаштир. Биз шу айёмда пах- такор дўстларимизни байрам би- лан муборакбод этамиз. Келгуси йил мўл ҳосилда уларга яна олам-олам муваффақиятлар ти- лаямиз.

Машинасозларимиз эл қатори бу йил ҳам пахтакорларга кў- макдош бўлдилар. Колхоз ва совхозларда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилни қисқа муддат ичда йиғиб-териб олишга ҳисса мизин кўшди. Энди ўз корхона- мизда йиллик планининг барвақт бажарилиши учун курашамиз. Ҳозир барча участкаларда иш қизиган. Яқинда заводимизда са- ноат эстетикаси ойлиги ўтказил- ди. Ўртоқ В. Рапопорт бошлиқ 11-цех коллектив бу ойликда гўлиб чиқди. Цех участкалари кишининг ҳавасини келтирди. Бу ерда меҳнат қилиш нақадар гаштир. Бошқа коллективлар ҳам йилликларини жорий этиш, кўп- лаб сифатли агрегатлар ишлаб чиқаришда асослиб муваффақият- ларини қўлга киритмоқдалар.

С. ТУЛАЕВ,
Х. ОЛИМЖОНОВ,
Заводи трактор-йигув- авводи ишчилари.



«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида келгуси йил мўл ҳосилга эриш- тириш учун шудгор қилиб қўйилмоқда. Суратда: 3-бўлима шудгорлаш кетяпти. А. АБЛАЙН фотоси.

БИЗНИНГ АҲДИМИЗ

Совхозимиз коллектив пахта байрамга эур тайёргарлик билан етиб келди. Ҳаммаи бир ёка- дан бош қикариб улкан пахта хирмони барпо қилиш йўлида йил бўйи гайрат билан ишладик. Ил- гори хўжаликларнинг бой тажри- баларидан моҳирлик билан фойда- ландик. Агротехника фанини қи- лоқ хўжалигига кенг жорий қилиш соҳасида бир қанча ташкилий-тад- бир чораларини кўрдик.

Механизаторлар ҳам мўл ҳосил етиштириш соҳасида бошланган жанговар ишдан четда туришмади. Трактордан кўпроқ унумли фой- даланиш учун ҳаракат қилдилар.

Ҳар бир картада кўчатларнинг белгиланган қалинлигида бўлишига жиддий эътибор берилди. Механи- заторларимиз ишчи мусобақа асо- сида ташкил этиб, ўз зиммаларига юклатилган вазифани муваффақ- ятли бажардилар. Оқибатда 3200 гектар ердан баракади хирмон кўтарилди. Гектаридан ўртача 25 центнердан «оқ олтин» йиғишти- ribs олдик. Коллективимизнинг эур ташаббус билан меҳнат қи- лишлари тўфайли Ваган оғборига пландаги 6500 ўринга 7215 тонна- дан зиёдроқ пахта тўкилди. Пах- та тайёрлаш соҳасидаги плани- мизни 111 процент қилиб адо- этдик. Совхозимиз тарихида бун- дай катта хирмон ҳеч вақт кўта- римган эди.

Ҳосилдорлик кўпайгани сабабдан совхозимиз қолоқлар сафидан эн- диликда узул-кесил чиқиб олди. Биз ҳам илгори хўжаликлар каби фақат фойда келтирадиган коллек- тивга айланиб қолдик. Эндилда коллективимиз деҳқончилик мада- ниятини юксак босқичга кўтариб, техникадан моҳирлик билан фой- даланиб, қишлоқ хўжалик экин-

ларидан катта даромад олмоқда- лар.

Биз бугун Пахта байрами куни- да еришилган ютуқларимизни қайд қилиш билан бир қаторда 1966 йилда ҳам янги марраларни эгал- лаб режаларини ҳозирдан бошлаб аниқламоқдамиз. Қайси бир ишчи, механизатор билан галлашманг, улар келгуси йилда ҳозиргидан ҳам яхшироқ ишлайжакларини из- ҳор қилмоқда. Биз еришилган ютуқларини мустаҳкамлаймиз. Шу билан бир қаторда келгуси хўжа- лик йилига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам ушқоқлик билан олиб бормоқдамиз. Механизатор- ларимиз даладаги ҳосилнинг сўнг- ги граммларини йиғиштириб олиб шудгорлашни кўчатириб юбориш- ди. Ҳар бир бўлим, бригада ва звенода иш жадал. Экинлардан бў- шатган ерларга минерал ўғит соли- ниб, пешма-пеш ҳайдалмоқда. Иш- ички сменада кетяпти. Биз меха-

низаторлар ўзимизга юклатилган вазифани сидқидилиқ билан ба- жариш йўлида ҳормай-тодмай иш- лаямиз. Бизнинг қўлимизга «С—100» маркали кучли тра- торлар бериб қўйилган. Ана шу машиналарнинг кучидан унумли фойдаланиб, кунига 11—12 гек- тар ерни шудгордан қиришимиз. Совхоз маъмурияти далада иш- лаётган кишилар учун ҳамма ку- ллайликларни яратиб бормоқда. Биз бунга яраша амалий иш билан жавоб берялмиз. Ҳалол меҳнат қилиб пахтакорлик бурчимизни шараф билан бажарамиз. Шудгор- ни қисқа кун ичда тамомлаб, кел- гуси йилга пухта замин ҳозирлаб қўямиз.

Т. ҲАСАНОВ,
Е. СУЛТОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидagi Ки- ров номи совхозининг меха- низаторлари.

МЕХНАТ ҚУВОНЧИ

Меҳнат қувончи кишига катта завқ бағишлайди. Фидоко- рона меҳнати ва шижоати билан донг таратаётган «оқ олтин» соҳибдорларининг бугунги қувончи айниқса чексиз. Бугун улар ўзларининг байрамларини шоду-хушрамлиқ билан нишонлай- дилар. Пахта байрами фақат пахтакорларнинггина эмас, балки республикамиз барча меҳнаткашларининг ҳам байрамидир.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини коллективни Оққўр- гон районидagi бир қатор хўжаликларини ўз аталлигига олган. Мана бир неча йилдирки, биз пахтакорлар билан бамаслаҳат иш тутаямиз. Албатта, бу иккид хамкорлик пахта ҳосилдор- лигини оширишда, тадқиқотлар кўламини кенгайтиришда му- ҳим омил бўлиб хизмат қилляпти. Студентлардан ташкил топ- ган ишлаб чиқариш бригадалари бу йил райондаги «Ўзбекис- тон ССР беш йиллиги» совхози бўлимларида фаол меҳнат қил- дилар. Бўлажак агрономлар ўзлари учун ажратилган май-

донларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирилди. Ўз вақтида йиғиб-териб олинган «оқ олтин» ҳосили умумхалқ хирмонига мусоноиб улуш бўлди.

Иккид хамкорлик тўфайли институтимизнинг селекцио- нер олимлари пахтанинг янги ва серҳосил навларини яратиш- га муваффақ бўлдилар. Профессор А. Автономов бошчилиги- даги селекционер олимлар ўзлари нафш этган янги нав пахта- ларини бу йил совхоз далаларида синаб кўрдилар. Натижаси чакан бўлмади. Бу — совхоз пахтакорларининг ҳам, институт олимларининг ҳам меҳнат ютуғидир.

Азиз пахтакорлар, институтимиз олимлари сизларни меҳнат тўйингиз — «Пахта байрами» билан қизғин кутлайди.

М. БАҲОДИРОВ,

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти.



МАКТАБ ВА ЖАМОАТЧИЛИК „ГУЛШАН“ УНИВЕРСИТЕТИ

«Шуро» ва «Саноат» маҳалла комитетлари, Островский номидаги пионерлар саройи коллективи ва 109-мактаб ота-оналар комитети хайрига нисбатан қўл уришди. Ёшларининг ҳар томонлама, одоб, ил, уқув, кинор ва меҳрибон қилиб тарбиялаш, онла ва мактаб ўқитишдаги алоқани янада кучайтириш мақсадида, педагогика уни-верситети ташкил этилди. Халқ университети «Гулшан» номи берилди.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. «Болага ҳам она керак, Бобога ҳам она керак, Давлатнинг ота-онанинг, Давлатнинг ўғли-қизини», — деган темада ўқитилган бу машғулоти тингловчиларда жуда яхши таассурот қолдирди. Филология факультети кандидати Музафина Алаева ёшлар тарбиясига онд қимматли маслаҳатлар берди. Ой-ларига райондаги 21. болалар поликлиникаси участка врач К. Каримова «Профилактика — соғлиқни сарғайтириш асосий омил» деган мавзуда сўзлаб берди. Пионерлар саройининг директори К. Қодиров болаларнинг ўқишдан кейин, беш вақтларини бе-худа ўқитмасдан, тўғриварида қатнашишга таълиф этди. Шу кундан советнинг депутати Р. Усмонова кўп болали оналардан У. Хасанова, У. Носирова ва Х. Юсупхўнаеваларга «Қаҳрамон она» медалини топширди.

Машғулотдан кейин Ўзбекистон радио ва телевидение давлат ко-митетининг хушхўш хонандалари ва созандалари икросиди кон-церт қўйиб берилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

КАСБГА МЕХР

Қўнғироқ чалиниши билан ўқитувчиларнинг ҳар қайси-си ўз сиффларига оширишди. Қўнғироқдан анча тиришқоқ ёш ўқитувчи ҳам дарсга кириб кетди.

Синфларда машғулотлар бошланди. Мактаб илмий бў-лим мудири Абдулла Қосимов ўша ёш ўқитувчининг ишга-лиги ҳақида фохрлашиб гап-рарди.

Ўқитувчи Иқбол Рама-зонова ўз касбига илҳом қўй-ган педагоглардан, деди у.

— Шу мактабда ўқитишни кў-нмида битирган, секретар бўлиб ишладим. Ўтган йили эса, у дарс бера бошладим. Ишончимизни тўла оқладим. Хоҳир у 4-«Б» синфда ўқи-тувчилик қилипти. Ёш муаллим Тошкент педагогика инсти-тутини кечки бўлимининг 5 курсда ўқийди ҳам.

Танаффу вақтида ёш ўқи-тувчи билан суҳбатлашдик. У

ўз ишдан мамнун бўлиб гап-рарди.

— Ёшлигимдан мен ўқи-тувчи бўлишни орзу қилар эдим, — дейди у. — Айниқса, шу мактабда мен ўқитган ва хоҳир ўз таърибаларини ўқи-тишга устозларим — Мар-тафидова, Турсунбой Умарова, Қарим Худойназаров ва бош-калардан беҳад хурсандим. Улар бой таърибаларини мен-га ўргатишди. Касбимни се-ваман, устозларимнинг маҳорат-ларига рази соламан-у қани энди, мен ҳам улардай ўқитол-сам деб орзу қиламан.

Ҳа, Иқболнинг касбга меҳр қўйганини унинг ишдан ҳам кўриниб турибди. Ёш, аммо жонқуяр муаллима ҳамда ўқи-тувчи кўмакдош кеска ўқитувчи-лар ишдан ҳамма хурсанд. Бу ахил педагогик коллектив Тош-кентдаги Ўзғибек номи мак-табнинг ўқитувчиларидир.

Р. МУРОДОВА.

ПЕШҚАДАМЛАР ЎЗГАРМАДИ



Юз катакли шашка бўйича мамлакат XI чемпионати тобо-ра кескинлашиб борапти. Қат-нашчиларнинг кўпчилиги фохр-ли ўринлардан бирини эгал-лашга иштилоши ҳар бир уч-рашнинг низоҳида оқиб келати-пти. Навбатдаги 6-турда 11 пар-тиянинг 7 тасида томонлар га-лаба қозонди, тўрттаси эса ду-

ранг бўлиб тугади. Бу сафар ҳам пешқадамларнинг омади келди. Халқаро мастер А. Ан-дрейко А. Тулдерин, москвал-лик М. Галкин эса И. Степа-новни мағлубиятга учратди. Тошкентлик В. Раппопорт хар-ковлик Л. Слободский устидан муҳим ғалабага эришди. Ўзе-бекистоннинг қолган вакиллари бу турда яримтадан очко би-

лан кифояланиб қолдилар, хо-лос. С. Давидов — Б. Шкит-кин, Е. Черкасский — Л. Ци-лес, Т. Қосимов — С. Машин учрашувлари дуранг натижа берди. Одессалик халқаро мас-тер М. Корхов мағлубиятга уч-ради. У каллинилик спорт мас-тери Н. Сретенскийга ютқазиб қўйди. Бу М. Корховнинг би-ринчи мағлубияти, Сретен-скийнинг биринчи ғалабасидир.

Тўртинчи турда В. Иванов — Е. Черкасскийнинг кечиктирил-ган партияси давом эттирил-ганда рақиблар дурангга рози бўлишди.

Олтн турдан сўнг А. Андрей-ко, М. Галкинлар 5,5, Б. Шкит-кин 4,5, С. Машин 4 очкога эга. Б. Бергал, В. Каплан, В. Агафонов ва С. Давидовлар эса 3,5 тадан очко тўпладилар.

П. КИРОВАЛОВ.

Суратда: ўзбек шашкачиси Т. Қосимовнинг одессалик М. Корхов билан учрашув пайти.

А. Абалия фотоси.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН 26 МАМЛАКАТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 ноябрь. (ТАСС). 26 мамлакат — Афғонистон, Боли-вия, Бразилия, Вирма, Цейлон, Ко-лумбия, Коста-Рика, Кипр, Эквадор, Эфиопия, Ҳиндистон, Ямайка, Йор-данли, Кения, Ливан, Либерия, Ли-вия, Мексика, Марокки, Непал, Ни-герия, Перу, Судан, Швейцария, За-мбиянинг Ариб Республикаси ва За-мбия сийси масалалар ва хавфсиз-лик масалалари билан шуғуллану-чи комитетга ядро қуроли синови-ларини тақиқлаш масаласи юзасидан тузилган резолюция дохиқасини ки-ритдилар. Ложиқа ядро қуролини барча синовларини тўхтатиб қў-

йишни қатъиян талаб қилади; бар-ча давлатлар ядро қуроли синов-ларини қисман тақиқлаш тўғриси-даги Москва шартномаси руҳини ҳурматлашга даъват этилади. Шу ма-саланинг низоҳида зарурлигини ту-шуниб, ер қимматлигини аниқлов-чи муаммалар халқаро воситаларни ҳисобга олган ҳолда, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида атрофича шартнома тайёрлаш соҳи-сидида ишчи давом эттириш қуро-лсизланиш билан шуғулланувчи 18 Давлат комитетидан илтимос қил-нади.

СОЦИАЛИЗМ ЙЎЛИДАН

Бундан 20 йил муқаддам Татисе мажлис Югославияни республика деб эълон қилди. Мам-лакат ҳаётида тарихий бўлиши асаган ана шу кунини ушундан бери ҳар йили 29 ноябрда Югославия халқи катта миллий байрам сифати-да нишонлаб келмоқда.

Ишчи ва деҳқонларнинг янги давлати фашист босқинчилар ва иккинчи рақибга қарши олиб боришдан машаққатли жанглар натижасида ту-зилди. Озодлик ва муқаддаслик учун олиб бо-ришган ана шу шиддатли курашда Югославия коммунистлари ташкилотчи ва илҳомчи бўли-лар. Халасор Совет Иттифоқи Югославия ва-тапавларларини ўша оғир йилларда фақат матнавий ишқидан қўлаб-қуватлаб қолмас-дан, самарали ҳарбий ёрдам ҳам кўрсатиб турди.

Мамлакат меҳнатқашлари Югославия комму-нистлар Союзи раҳбарлигида 20 йил мобайнида уруш вайрон қилган қўрқинли тинчлаш билан бирга, социализм курилишида ҳам катта му-ваффақиятларни қўлга киритдилар. Илҳом қў-лоқ бўлган аграр мамлакат ривожланган ин-дустриаллашган давлатга айланди. Жуда кўп хо-зири замон сановат корхоналари қад кўтарди; металлургия, машинасозлик, станоксозлик ва химия сановатлари бўёлга келди.

Югославия Социалистик Федератив Респуб-ликаси 20 йил ичида сановат ишлаб чиқариши ҳажми тахминан 6 баравар ўсди. Хоҳир мам-лакатда ички ой мобайнида урушдан олдинги бир йилда тайёрланганга баравар келадиган сановат меҳсулотини ишлаб чиқаришда. Уруш-дан кейинги йилларда электр энергияси ҳосил қилиш 11 марта, пўлат ишлаб чиқариш элли марта ўсди. Индустриаллаштириш йилларда қад кўтарган йирик сановат корхоналари: Белград-даги қишлоқ хўжалик машиналари заводи, Но-вий Градникдаги трактор заводи, Загребдаги ор-ганик химия комбинати, Крушевцадаги маши-насозлик заводи, Крагуевацадаги автомобил за-води ва бошқа корхоналар мамлакатнинг фохр-хисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам социалистик сектор йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда. Қи-шлоқда йирик давлат ва кооператив хўжаликлари янча хўжаликларга қараганда катта афзалли-ни

ларга эга эканлигини небот қилмоқда. Югосла-вия коммунистлар Союзининг VII ва VIII съезд-лари орасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми 40 процентдан зиёд қўйилди. Қишлоқ хў-жалигининг моддий ва техника базаси тўхтов-сиз ўсмоқда. Хоҳир мамлакат далаларида тахми-нан 43 минг трактор, 10 минта ички комбайн ишлаб турибди.

Миллий даромад тўхтовсиз ўсаяпти. Мада-ният, фан ва халқ маорифини ривожлантириш-да ҳам иккинчи муваффақиятлар қўлга кир-тилади. Сўнгги етти йил ичида Югославиянинг миллий даромадида социалистик сектор хисса-си 66 процентдан 77 процентга ўсди. Шу йиллар мобайнида ион бошига ҳисобланганда мамлакат-да ўртача шаҳарий истеъмол 70 процент, яъни йилгага ўртача 7 процентдан қўйилди.

Мамлакат овоз бўлган, мактаблар ва ўқувчи-лар сони ҳам анча қўйилди. 1938—1939 йил-ларда бошланғич мактаб 9190 та эди. 1963—1964 ўқув йилида эса бу рақам 14388 га етди. Бу мактабларнинг кўпчилиги сановат йиллик-да. Мамлакатда олиқ ўқув юрталарида таълим оладиган студентлар сони бундан 25 йил илг-ирига қараганда хоҳир 10 марта қўйилди.

Югославия ўзининг ташқи сийсатидида социал-система-ни турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини амал қилиб, бош-қа социалистик мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинлигини юмшатиб, куруланишни тўхтатиш, ёлпасида ва батамом курулсизланиш, мустақамлашнинг қолдиқларини тейилкада ту-таши ва бутун дунёда тинчлигини мустақам-лашнинг ишқини тарафдори бўлиб чиқмоқда. СССР билан Югославия ўртасидида дўстлик алоқалари йилдан-йилга ривожланимда ва мустақамлашмоқда. Йилдан-йилга авж олаёт-ган иқтисодий ва савдо алоқалари бунинг ер-қин далилидир. Сўнгги уч йил мобайнида со-вет-югославия ўзаро товар обороти 90 процент-га ўсди.

Миллий байрам кунинда совет кишилари социа-лизмнинг ёрқин йулларда бораётган Югославия меҳнатқашларига ўз мамлакатларини янада та-раққий эттиришда катта муваффақиятлар та-лайдилар.

КОНГОДАГИ ВОҚЕАЛАР

БРАЗЗАВИЛЬ, 25 ноябрь. (ТАСС). Леопольдвиле радиосининг, хабар қилишича, Конго (Леопольдвиле)даги давлат тўнтаринининг раҳбари Жо-зеф Мобуту бугун депутатлар пала-таси ва парламент сенатининг раис-лари билан учрашмоқчи. Учрашми-нинг мақсадлари ҳақида ҳеч нарса айтилмади. Генерал-майор Луис Бобосо Конго армиясининг қўмондо-сини қилиб тайинланганлиги ҳам Лео-польдвиледа эълон қилинди. Тўнтар-ришга қадар бу вазифани Мобуту эгаллаб келар эди. Леопольдвиле-нинг ўзида бугун эрталаб оёсийни-таллик ҳукм сурди. Хукумат бинола-рининг олдида соқчилар қўйилган. Радио станция биносини парашют-чилар отряди эгаллаб олган, ҳамма радиостанцияларнинг армия конт-роль қилиб турибди.

Тўнтарш раҳбари генерал Мо-буту бугун Леопольдвиледа йирикдаги ҳарбий лагерда матбуот конферен-цияси ўтказиб, мамлакат президе-нини сийлаш мақсадида келгуси йил феврал ойига тайинланган сайлов-ларини беиор қилиш учун ҳозир мам-лакатда амалда бўлган конститу-цияни ўзгартиришни парламентдан «илтимос» қилимоқчи эканлигини айт-ди. Леопольдвиледа олиқаётган ха-барларга қараганда, Мобуту ўзини беи йилга мамлакатнинг президе-нти деб эълон қилган.

НЬЮ-ЙОРК, 25 ноябрь. (ТАСС). Конго армиясининг қўмондони Мо-буту бугун кечаси ўтказган давлат тўнтарини натижасида Конго (Лео-

польдвиле) президенти Касавубу хо-кимиятини четлаштирилди. Давлат бошлиғига берилган ҳамма ҳуқуқ-лар ва вазифалари генерал Мобу-ту ўз зиммасига олди. Соци-пре-зидент Касавубу ҳукумат тузишини топишган Эварист Кимба ҳам хо-кимиятдан четлаштирилди. Касавубу билан Кимбанинг қаердалиги ҳақи-да ҳозирча ҳеч нарса маълум эмас. Тўнтарш раҳбари Мобуту полков-ник Л. Муламбага «мамлакатдаги барча энг асосий сийси қўруқлар-нинг намондалариндан янги ҳуку-мат тузишини топишди. Ассоци-и-тед Пресс агентлиги мухбирининг Леопольдвиледа хабар беришича, Леопольдвиледа бугун эртала-б янги ҳукумат маълумларининг ахборотини эшиттирган. Ахборотда, жумладан, бундай дейилади: 24 но-ябрь кунини кечқурун Конго армия-сининг қўмондони генерал Мобуту армия раҳбарларини ўз хўшунга чаклиди. Кенгаишда мамлакатдаги ҳарбий ва сийси вазият қўриб чи-қилди. Армия раҳбарлари Конгода-ги сийси вазият «мамлакат ман-фаатларига» жаавоб бермайдиган, деган фикрга келдилар. Шу муносабат би-лан, армия қўйидаги чораларни ку-ришга қарор қилди: президент Ка-савубу вазифасидан олиб таштала-ди. Ўзинга ҳукумат тузиш вазифаси топирилган Эварист Кимба бу вазифалардан озод қилинади. Ге-нерал Мобуту давлат бошлиғи баж-арилган вазифаларни ўз зиммасига олади.

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

КАРАЧИ, 25 ноябрь. (ТАСС). Ра-валпиндада эълон қилинган расий ахборотда бундай дейилади: Рамас-тоннинг чегара районларида ва Ло-хур секторидида Покистон бўлимлари билан Ҳиндистон бўлимлари ўртаси-да бўлиб ўтган отишма вақтида 9 хинд солдати ўлдирилди. 21—22 но-ябрда Ҳессор секторидидаги (Шарий Покистон) отишма давомида ички хинд солдати ўлдирилди.

22 ноябрда хинд қўшинлари Ни-кинал секторидида (Нашир) жанг ҳа-ракатларини тўхтатиш линиясидан ошириб, ахён-ахёнда ўт очиб турди-лар. Покистон қўшинлари жаавоб ўти очдилар. Хинд қўшинлари 21 ноябрда Пулч секторидида (Ҳашмир), 22 ноябрда эса Бедан, Чавинда ва Шанаргарх секторларида ўт очиб турдилар.

ДЕХЛИ, 25 ноябрь. (ТАСС). Поки-стон қўшинлари Филора райониди-да (Снаикот сектори) хинд бўлима-лига қарата ўт очганилилари неча бу ерда расий равишда хабар қи-линди. Отишма вақтида Покистон-нинг бир солдати ўлдирилган.

Покистон қўшинлари, дейилади сўнгра ахборотда, Ихем Каран, До-ғри ва Фозилла районларида ўз по-зицияларини мустақамлашмоқдалар. Покистон самолётлари ички кун-мобайнида Панжоб ва Рамасонда-ги хинд қўшинларининг позицияла-рини устида разведка қилиб, учиб юр-дилар, дейилади сўнгра ахборотда.

Покистон қўшинлари Мендор районидида (Ҳашмир) хиндларнинг позицияларини замбаранлар ва ми-номётлардан ўққа тутганлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
27 НОЯБРДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 17.00 — Муль-фильм (бошлар учун).
17.25 — Телевизион янглим-лар (ўзбек, рус тилларида).
Рус тилида: 17.40 — Кўнғирчо-лар кўлади (бадрий фильм), 19.10 Голубой огонек, 20.20 — Муль-фильм (катталар учун).
20.40 — Эшиттириллар про-граммаси.
Ўзбек тилида: 20.45 — Байра-мингиз муборак, азия пахтакор-лар! «Олтин водий» программа-сининг махсус эшиттириши.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 27 НОЯБРЬ 1965 ЙИЛ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
18.00 дан — Фрунзе телесту-диси эшиттиришлари.

ТЕАТР
НАВОЙИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/ХI да Травната, 28/ХI да кун-дуз Оқнуш кўли.
ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27, 28/ХI да кечқурун Уғирланган умр, 28/ХI да кундуз Насриддин сарғушларни.
МУҚИМИИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/ХI да кундуз Ўғил уйланти-риш.
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28/ХI кундуз соат 12 да 4—6 синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича: «Совет композиторлари — болаларга» деган темада би-ринчи концерт-лекция. Лектор музикашунос И. Аюбов.
28/ХI кундуз соат 3 да 7-11

синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича: «Ўзбекистон композиторларининг симфоник музикаси» деган тема-да биринчи концерт-лекция. Лек-тор — музикашунос И. Аюбов. Абонементлардан ташқари бил-етлар Свердлов номи концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — 27, 28/ХI да Грузин цирки артистларининг хайрлашув гас-троя, 28/ХI да 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да.

КИНО
Дайди (1 ва 2 серия) — НА-ВОЙИ номи. «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кеч 9-50 минутда).
Бахтга аралашма. «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

МУҚИМИИ НОМЛИ ТЕАТРДА
27, 28 ноябрда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ Тўроб Тула асарини
Ҳанимон Тошматов ва Борис Зейдман музикаси.

2 пардали музикали драма. Ҳанимон Тошматов ва Борис Зейдман музикаси.

Постановкачи режиссёр — Ўз-бекистон ССР халқ артисти. Давлат мунофоти лауреати Раз-зоз Ҳамроев, расом — Ўзбе-кистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Визель, ди-рижёр — Эргаш Тошматов, ба-летмейстер — Омон Назрулла-ев, режиссёр ассистенти — Ра-иса Мухамидова, концертмей-стерлар — М. Фурман ва М. Малкина.

Спектаклда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари Соҳиб Хўжаев, Фароғат Раҳматова, Махмуджон Гафуров, Раззоз Ҳамроев, Ўз-бекистон ССРда хизмат кўрсат-ган артистлар Бахтиёр Ихтиё-ров, Суръат Пўлатов, Ҳамза Умаров, солистлардан Райхон Тўраева, Наима Исоева, Собир Раҳимжоновлар қатнашади.

Спектакль кеч соат 7 да бош-ланади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА ҚОШИДА 2 ЙИЛЛИК
СТУДИЯГА
18 йилдан 25 ёшгача бўлган — йигит ва қизлар
ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ
Студия филармонияси ва эстра-данинг ижодий коллективлари учун малалани кадрлар этиш-тиради.
Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.
Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-й. Телефон 3-26-20.

Богобод кўчаси, 183-уйда турув-чи Учқун Мирбобоевич Лутфул-лаевнинг Ўзбекистон кўчаси, Тўлор тушук, 4-уйда турувчи Рамиза Муталовадан янралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида қўйилди.

Тошкент область партия ко-митети ва область ижроия комитети Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, акаде-мик
Ҳадича СУЛАЙМОНОВАнинг вафот этганилини чуқур қай-гу билан маълум қилдиладар ва барҳумининг оиласига таъ-зия билдириладар.

И. АЛИМУХАМЕДОВ, пенсионер.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.